

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ЗУПАРОВА ЗУЛФИЯ АХРОР ҚИЗИ**

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛГАН ТЎҚ ҚИЗИЛ ЭХИНАЦЕЯ  
(*ECHINACEAE PURPUREA L.*) ЕР УСТКИ ҚИСМИДАН ҚУРУҚ  
ЭКСТРАКТИНИ ВА ДОРИ ШАКЛИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**15.00.01- дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of philosophy dissertation (PhD)**

**Зупарова Зулфия Ахрор кизи**

Маҳаллийлаштирилган тўқ қизил эхинацея (*Echinaceae purpurea L.*) ер устки қисмидан қуруқ экстрактини ва дори шаклини олиш технологияси..... 3

**Зупарова Зулфия Ахрор кизи**

Технология получения сухого экстракта и лекарственной формы из надземной части культивированной эхинацеи пурпурной (*Echinaceae purpurea L.*)..... 21

**Zuparova Zulfiya Akhror kizi**

The technology of obtaining a dry extract and dosage form from the aerial part of cultivated *Echinacea purpurea* (*Echinaceae purpurea L.*) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ЗУПАРОВА ЗУЛФИЯ АХРОР ҚИЗИ**

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛГАН ТЎҚ ҚИЗИЛ ЭХИНАЦЕЯ  
(*ECHINACEAE PURPUREA L.*) ЕР УСТКИ ҚИСМИДАН ҚУРУҚ  
ЭКСТРАКТИНИ ВА ДОРИ ШАКЛИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**15.00.01- дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Far.61 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Олимов Немат Каюмович  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Тўхтаев Хаким Раҳманович  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Сотимов Ғайрат Бахтиёрович  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** ЎзР ССВ хузуридаги “Дори воситалари, тиббий буюмлар  
ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш  
Давлат маркази” ДУК

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «7» июл соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: [info@pharmi.uz](mailto:info@pharmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2022 йил «21» июн куни тарқатилди. (2022 йил «21» июн даги 35 рақамли реестр баённомаси).



**К.С.Ризаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**Ё.С.Кариева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

**Ф.Ф.Урманова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, атроф-муҳитнинг ифлосланиб бориши, сурункали стресслар, кам ҳаракатли ҳаёт тарзи каби омиллар одам организмнинг умумий чидамлилигини камайишига сабаб бўлмоқда ва бунинг натижасида ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг 1/3 қисми иммун танқислиги билан азият чекмоқда. Шунинг учун ушбу хасталикларни даволаш мақсадида доривор ўсимликлар хомашёси асосида янги иммуномодуловчи таъсирга эга дори воситалари технологиясини ишлаб чиқиш, тиббиёт амалиётига татбиқ этиш борасидаги тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида иммун танқислиги ҳолатларини олдини олиш, уларни даволашда доривор ўсимликлардан фойдаланиш, ушбу хомашё асосида дори воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада полисахаридлар ва полифенол бирикмаларни сақлаган доривор ўсимликларни ўрганиш, таркибидаги биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, улар асосида дори препаратларини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолашга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда бугунги кунда фармацевтика соҳасидаги ислохотлар натижасида шифобахш ўсимликларни фармакогностик ва фитокимёвий ўрганиш, улар асосида иммун танқислиги ҳолатларини даволашда қўлланиладиган юқори самарали дори воситаларини ишлаб чиқиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 22- мақсадида «Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш»<sup>1</sup> каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада, маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи, экспортбоб, самарали фитопрепаратлар ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш ишларини амалга ошириш, фармацевтика корхоналарига жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларни уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда маҳаллийлаштирилган тўқ қизил эхинацея ўсимлигини агротехник хусусиятлари Тошкент фармацевтика институти олимлари М.Г.Исмоилова, А.Эргашев, А.Б.Абдуллаевлар томонидан ҳар томонлама ўрганилган, ўстиришни мўътадил шароитларини танлаш, етиштиришда хомашёнинг сифатини яхшилаш, маҳаллий хомашёнинг сифатини баҳолаш, унинг микроскопиясини тадқиқ этиш Ш.Ф.Пулатов, М.Т.Муллажонова, Н.К.Олимов, А.А.Мухитдиновларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Дунё миқёсида иммун танқислиги ҳолатларида доривор ўсимликлар асосида олинган дори воситаларининг технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг сифатини баҳолаш бўйича К.Кindscher, J.B.Hudson, R.Bauer, M.Sutovska, P.Capek, I.Kazimierova, L.Pappova, M.Joskova, I.Cruz, J.J.Cheetham, J.T.Arnason, J.E.Yack, V.L.Smith, P.M.Баширов, Т.И.Никитин, Г.Г.Шайдулин, В.А.Куркин, Е.И.Велмяйкина, А.В.Брыкалов, Е.М.Головкина, Г.Г.Запесочная, Е.В.Авдеева, В.Н.Ежков, Н.А.Бизунокларнинг изланишларини эътироф этиш лозим.

Мазкур диссертация иши маҳаллийлаштирилган тўқ қизил эхинацея хомашёси асосида иммуномодуловчи таъсирга эга қуруқ экстракт олишнинг мўътадил шароитларини танлаш ва унинг асосида шамча дори шакли технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илк илмий изланиш ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Маҳаллий тўқ қизил эхинацея хомашёсидан иммуномодуловчи таъсирга эга қуруқ экстракт ва унинг асосида шамча дори шакли технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллийлаштирилган тўқ қизил эхинацея асосида қуруқ экстракт олишнинг мўътадил шароитларини танлаш;

қуруқ экстракт асосида иммуномодуловчи таъсирга эга шамчалар технологиясини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган шамчаларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш, уларнинг биофармацевтик ҳоссаларини ўрганиш;

таклиф этилаётган шамчаларнинг сақлаш шароити ва яроқлилиқ муддатини белгилаш;

иммуномодуловчи таъсирга эга бўлган куруқ экстрактнинг тажриба-саноат регламентини ишлаб чиқиш;

тўқ қизил эхинацея хомашёси асосида олинган куруқ экстрактни тиббиётда қўллаш учун меъёрий хужжатларни тайёрлаш ва ЎзР ССВ хузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга тақдим этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент вилояти Паркент туманида ўстирилган тўқ қизил эхинацея хомашёсидан олинган куруқ экстракт ва унинг асосидаги шамчалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллийлаштирилган тўқ қизил эхинацея хомашёсидан куруқ экстракт олиш, унинг асосида шамчалар таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш, сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва тегишли меъёрий хужжатларни тайёрлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни олиб боришда технологик, физикавий, кимёвий, биофармацевтик, замонавий физик-кимёвий усуллардан, ҳамда математик-статистик қайта ишлашда қўлланиладиган компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ўстирилган тўқ қизил эхинацея хомашёси асосида полиэкстракция усулида куруқ экстракт олишнинг мўътадил шароитлари аниқланган;

тўқ қизил эхинацея куруқ экстрактининг сифат меъёрлари аниқланган;

маҳаллийлаштирилган тўқ қизил эхинацея куруқ экстрактининг иммуномодуловчи фармакологик таъсири ва хавфсизлиги аниқланган;

тўқ қизил эхинацея куруқ экстракти асосида иммуномодуловчи таъсирга эга шамча дори шакли технологияси ишлаб чиқилган;

куруқ экстракт асосидаги шамчаларнинг сифат меъёрлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тўқ қизил эхинацея хомашёси асосида куруқ экстракти учун тажриба - саноат регламенти ишлаб чиқилган;

олинган куруқ экстракт ва унинг асосидаги шамча дори тури учун сақланиш муддати асосланган;

тўқ қизил эхинацея куруқ экстракти учун меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган шамчаларнинг биофармацевтик ҳоссалари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий технологик, кимёвий, физикавий, физик-кимёвий, фармако-токсикологик ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги ҳамда тажриба-саноат ишлаб чиқариш жараёнида апробациядан ўтганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўқ қизил эхинацея ўсимлиги таркибидаги биологик фаол моддаларни ажратиб олишнинг мўътадил омилларини танланганлиги, иммуномодуловчи таъсирга эга курук экстракт олинганлиги, унинг асосида шамча дори тури технологияси, ҳамда уларнинг сифатини таъминлайдиган мезонлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Тўқ қизил эхинацея курук экстракти» субстанцияси учун «SHARQ DARMON» МЧЖ билан ҳамкорликда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги ҳамда тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида ЎзР ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКга тақдим этилганлиги билан изоҳланади, унинг тасдиқланиши иммуномодуловчи фаолликка эга субстанциялар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллийлаштирилган тўқ қизил эхинацея (*Echinacea purpurea* L.) ер устки қисмидан курук экстрактини ва дори шаклини олиш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тўқ қизил эхинацея курук экстракти субстанцияси» учун вақтинча фармакопея мақоласи ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун топширилган («Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКнинг 2021 йил 19 ноябрдаги 29/01-776-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу меъёрий ҳужжатнинг тасдиқланиши самарали иммуномодуловчи дори воситасини ишлаб чиқариш имконини беради;

ўтказилган клиник олди синовлар натижасида тўқ қизил эхинацея курук экстрактининг специфик фаоллиги ва безарарлиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада иммуномодуловчи таъсирга эга доривор субстанцияни ишлаб чиқариш имконини берган;

тўқ қизил эхинацея курук экстракти учун тажриба саноат регламенти «SHARQ DARMON» МЧЖ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (ОПР 03878-4442888261-2022). Мазкур ҳужжатнинг тасдиқланиши натижасида иммуномодуловчи дори воситаси учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва рўйхатга олиниши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган илмий изланишларнинг муҳимлиги, долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари ҳамда предмети белгиланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги ёритилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иммуномодуловчи таъсирга эга дори воситаларининг ҳозирги кундаги ҳолати ва ишлаб чиқариш истиқболлари»** номли биринчи бобида иммун тизимига таъсир этувчи дори воситаларинининг Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат реестри асосидаги ассортимент таҳлил натижалари, тўқ қизил эхинацеянинг фармакологик хусусиятига таъсир этувчи кимёвий таркибидаги биологик фаол моддалар, ҳамда эхинацея препаратларининг халқ табobati ва замонавий тиббиётда қўлланилиши, ўсимликлардан тайёрланган қуруқ экстрактлар, уларни олиш усуллари, ректал дори турларининг аҳамияти, технологиясининг ўзига хос томонлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Илмий тадқиқотда қўлланилган материаллар ва усуллар»** деб номланган иккинчи бобида маҳаллийлаштирилган тўқ қизил эхинацея хомашёсидан қуруқ экстракт ва унинг асосида иммуномодуловчи таъсирга эга шамчалар олишда ва уларнинг сифатини назорат қилишда қўлланилган материаллар, усуллар ва ускуналар тўлиқ ёритиб берилган.

Тадқиқ этилган экстракт таркибидаги баъзи биологик фаол моддаларнинг таҳлили ЮССХ усулида олиб борилган. Таҳлил натижаларига кўра унинг таркибида рутин 6,95 мг/г, қаҳва кислотаси 0,49 мг/г, цинарозид 10,87 мг/г, лютеолин 0,22 мг/г ва кверцетин 0,31 мг/г сақланишини кўрсатди.

Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстракти таркибидаги аминокислоталарнинг таркиби ЮССХ усулида ўрганилиб, унинг таркибида 14 та аминокислота мавжудлиги аниқланди. Таҳлил натижалари аниқланган аминокислоталардан трионин, аргинин, валин, изолейцин, лейцин, фенилаланин, лизин каби 7 та аминокислота алмашинмайдиган эканини кўрсатди.

Ёғ кислоталари таркибини ўрганиш хромато-масс-спектрометрия усулида олиб борилиб, унинг таркибида палмитин, линолен, стеарин каби ёғ кислоталари сақланиши аниқланди.


Қуруқ экстрактнинг минерал моддалари таркибини аниқлаш масс-спектроскопия усулда амалга оширилди. Олиб борилган таҳлиллар натижаларига кўра экстракт таркибида калий 50000 мг/кг, кальций 18000 мг/кг, магний 12000 мг/кг, темир 2500 мг/кг каби муҳим биоэлементлар кўпчиликини ташкил қилиши маълум бўлди.

Полиэкстракция усулида олинган тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактдан гидрофоб асосларда олинган шамчаларнинг физик-кимёвий хоссалари ДФ XI талабларига биноан ўрганилди. Олинган натижаларига кўра какао мойи асосида тайёрланган шамчалар кислота сони 0,92 мг КОН/г, пероксид сони 2,31 мЭ O<sub>2</sub>/1000г, йод сони 32,28 мг I<sub>2</sub>/100г эканини кўрсатди. Суппорин М асосида тайёрланган шамчалар кислота сони 0,59 мг КОН/г, пероксид сони 2,01 мЭ O<sub>2</sub>/1000г ни ташкил этди, йод сони 59,54 мг I<sub>2</sub>/100г, Witepsol Н асосида олинган шамчалар кислота сони 0,14 мг КОН/г, пероксид сони 1,78 мЭ O<sub>2</sub>/1000г, йод сони 65,0 мг I<sub>2</sub>/100г ни ташкил этганини кўрсатди. Олинган натижалар МХ талабига жавоб берди.

**«Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактини олишнинг мўътадил шароитларини танлаш ва сифат меъёрларини ишлаб чиқиш»** деб номланган учинчи бобда маҳаллий тўқ қизил эхинацея асосида қуруқ экстракт олишда экстракция жараёнига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, экстрактни тозалаш, экстракт олишда мўътадил деб танланган полиэкстракция усулида қуруқ экстракт олиш технологияси, қуруқ экстрактнинг технологик хоссаларини ўрганиш, таркибидаги полисахаридлар ва биологик фаол моддалар миқдорини аниқлаш натижалари келтирилган.

Тўқ қизил эхинацея препаратларининг иммуномодуловчи таъсирини унинг таркибига кирувчи полифенол бирикмалари, сувда эрувчан полисахаридлар, макро ва микроэлементлар таъминлайди. Ўсимлик хомашёсидан биологик фаол моддаларни имкон қадар юқори даражада ажратиб олишда экстрагентни тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади.


Илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактининг иммуномодуловчи фаоллигини таъминловчи катта гуруҳ БФМлар: полисахаридлар сувда эрувчанлиги юқорилиги ва совуқ усулда ажратилиши, флавоноидлар 70% ли этил спиртида максимал ажралиши, асосий таъсир этувчи биологик фаол моддаларнинг терапевтик фаоллигини кучайтирувчи ёндош бирикмалар 40% ли этил спиртида ажралиши келтирилганлигини инобатга олиб, эритувчи сифатида сув ва 40%, 70% ли этил спиртларидан фойдаланилган. 1-расмда экстрагент турининг биологик фаол моддаларни ажралиб чиқишига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.



**1-расм. Экстрагент турининг биологик фаол моддаларни ажралиб чиқишига таъсири.**


Расмда келтирилган эгри чизиклар флавоноидлар ва хлороген кислотасининг миқдори 70% ли этил спиртида олинган ажратмада энг юқорилигини, полисахаридлар миқдори сувли ажратмада, экстрактив моддалар миқдори эса 40% ли этил спиртида кўплигини кўрсатмоқда. Шу сабабали тўқ қизил эхинацея ўсимлигидан иммуномодуловчи таъсирга эга қуруқ экстракт олиш учун полиэкстракция усули мўътадил деб танланди.

Тўқ қизил эхинацея хомашёсидан қуруқ экстракт олишда хомашёнинг майдалик даражасининг таъсири ҳам ўрганилди. Бунда 2 мм дан кичик, 2-5 мм, 5-8 мм, 8-11 мм, 14 мм дан катта майдалик даражасидаги хомашёдан фойдаланилди. Экстрактлар флавоноидлар ва экстрактив моддалар миқдорига нисбатан текширилди. 2 мм ўлчамдаги хомашёдан флавоноидлар ажралиш тезлиги юқори, аммо олинган экстракт лойқа бўлиб филтрланиши қийин. Майдаланмаган хомашёнинг экстракцияланиш даражаси сустр борди. 5-8 мм ва 8-11 мм катталиқда майдаланган хомашёдан флавоноидлар ажралиб чиқиш унуми 2-5 мм катталиқда майдаланган хомашё унумидан пастрок бўлди. Флавоноидларни ажратиб олиш учун 2-5 мм ўлчамдаги тўқ қизил эхинацея хомашё мўътадил деб танланди. 2-расмда хомашёнинг майдалик даражасини флавоноидлар йиғиндисини ажралиб чиқишига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.



**2- расм. Хомашёнинг майдалик даражасини биологик фаол моддалар ажралиб чиқишига таъсири**

Экстракция жараёнига ҳароратнинг таъсири ҳам ўрганилди олинган натижалар 3-расмда келтирилган.



**3-расм. Ҳароратнинг биологик фаол моддалар ажралиб чиқиш даражасига таъсири**

Расмда келтирилган маълумотларга кўра 50-60 °C ҳароратда экстрактив моддалар ажралиши энг юқори даражада эканлиги, аммо флавоноидлар йиғиндиси 20-30°C, 30-40°C, 40-50°C ҳароратдагидан деярли фарқ қилмаётганлиги аниқланди. Шунга кўра тўқ қизил эхинацея хомашёсидан флавоноидлар йиғиндисини хона ҳароратида ажратиб олиш иқтисодий самарадор ва мўътадил деб топилди.

Экстрактларни тозалашда суюқлик-суюқлик тизимида экстракциялаш усулида сувда аралашмайдиган органик эритувчилар гексан, ацетон, хлороформ, экстракцион бензидан фойдаланилди. Таҳлил натижаларига кўра хлороформ билан ишлов берилган экстрактнинг тиниқлик даражаси

юқорилиги, липофил моддалар ва хлорофиллар миқдорининг камлиги аниқланди.

Экстракция жараёнинга таъсир этувчи мўътадил шароитлар танланганидан сўнг, тўқ қизил эхинацея хомашёсидан полиэкстракция усулида қуруқ экстракт олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Бунинг учун 5 кг 2-5 мм катталиқда майдаланган ҳавода қуритилган, тарозида тортилган тўқ қизил эхинацея ер устки қисми KD-2KY экстракторига жойлаштирилди ва унинг устига ойнасимон юза ҳосил бўлгунича 70 % ли этил спирти солиб, экстрактор герметик беркитилди ва 6 соат давомида бўктириш усули билан экстракцияланди. Экстракция хона ҳароратида олиб борилди. Белгиланган вақт ўтганидан сўнг 15 л биринчи ажратма қуйиб олинди. Экстракторга яна хомашё юзасида ойнасимон юза ҳосил бўлгунига қадар 40% ли этил спирти қуйилиб экстракция такрорланди. 6 соат вақт ўтганидан сўнг 15 л ажратма қуйиб олинди. Учинчи маротаба хомашё устига тозаланган сув қуйилди. Экстракциялаш 6 соат давом этди. Учинчи ажратма 15 л ни ташкил қилди. Биринчи, иккинчи ва учинчи ажратмалар бирлаштирилди, бир неча қаватли мато филтёр орқали йиғичга ўтказилди. Филтёрланган ажратма 20-25 л дан роторли вакуум буғлатгич ускунасида 70-80 °С, -0,8-0,4 кгс/см<sup>2</sup> вакуумда буғлатилди (4-расм).


Полиэкстракция усулида олинган тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактини физик-технологик хоссалари ўрганилди ва олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Полиэкстракция усулида олинган тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактини физик-технологик хоссаларини ўрганиш натижалари**

Т/р	Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Натижалар			Ўртача қиймат
			Намуна 1	Намуна 2	Намуна 3	
1	Фракцион таркиб, мкм	%				
	+3000		0	0	0	0
	-3000 +2000		0	0	0	0
	-2000 +1000		23,1	28,6	24,0	25,2
	-1000 +500		23,2	20,1	20,5	21,2
	-500 +250		45,1	50,8	54,0	50,0
	-250		1,2	0,5	1,5	3,2
2	Сочилувчанлик	10 <sup>-3</sup> кг/с	0,138	0,139	0,131	0,136
3	Сочилувчан зичлик	г/см <sup>3</sup>	0,508	0,505	0,500	0,504
4	Табиий оғиш бурчаги	градус	75	70	71	72
5	Қолдиқ намлик	%	4,18	4,24	4,01	4,14

4-расмда тўқ қизил эхинацея хомашё асосида полиэкстракция усулида куруқ экстракт олишнинг технологик чизмаси келтирилган.



4-расм. Тўқ қизил эхинацея хомашё асосида полиэкстракция усулида куруқ экстракт олишнинг технологик жараёни чизмаси

Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактининг сочилувчанлик, сочилувчан зичлик, табиий оғиш бурчаги, қолдиқ намлик каби технологик хоссалари ўрганилди. Сочилувчанлик даражаси бўйича қуруқ экстракт  $0,136 \cdot 10^{-3}$  кг/с ни, сочилувчан зичлик  $0,504$  г/см<sup>3</sup> ни, табиий оғиш бурчаги  $62^\circ$  ни ва қолдиқ намлик  $4,14\%$  ни ташкил қилди. Бу натижалар тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактдан дори шакллари ишлаб чиқишда ёрдамчи моддалардан фойдаланиш лозимлигини кўрсатди.

Қуруқ экстракт полисахаридларининг моносхарид таркиби қоғоз хроматография усулида таҳлил этилиб, унинг таркибида галактоза, глюкоза, арабиноза ва оз миқдорда урон кислоталари ҳамда ксилоза сақланиши маълум бўлди. Полисахаридлар гидролизатида инулин типигаги фруктанлар сақланиши, мазкур гидролизат таркибида фруктоза мавжудлигидан далолат берди. Қуруқ экстракт таркибидан ажратиб олинган полисахаридларнинг нисбий қовушқоқлигини аниқлаш натижаларига кўра  $1,40$  сП ни ташкил этиши маълум бўлди.

Тадқиқ этилган экстракт таркибидаги биологик фаол модда таҳлили ЮССХ усулида олиб борилди. Таҳлил натижалари унинг таркибида хлороген кислотаси  $50,86$  мг/г сақланишини кўрсатди.

**«Тўқ қизил эхинацея экстракти асосида шамчалар технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган тўртинчи бобда тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактдан шамча олишда мўътадил асосни танлаш, шамча олиш технологияси, олинган шамчаларнинг давлат фармакопеяси бўйича сифат кўрсаткичларини аниқлаш, миқдорий таҳлили ва сақланиш муддатини аниқлаш каби маълумотлар келтирилган.

Комплекс таъсир кўрсатувчи полиэкстракция усулида олинган тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактдан шамчалар олишда таркиби фармакологик тадқиқотлар натижасида белгиланган доза асосида танланди. Асос сифатида замонавий фармацияда шамчалар технологиясида кенг қўлланиладиган, гидрофоб табиатли, ёрдамчи моддаларга қўйилган талабларга жавоб берувчи асослар Суппорин-М, Witepsol Н ва уларнинг сифатини қиёсий баҳолаш учун фармакопея асоси бўлган какао мойидан фойдаланилди.

Суппорин-М ва Witepsol Н асосларида шамчалар 1 таркибга кўра қуйиш усулида олинди (2-жадвал).

2-жадвал

**Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстракти сақловчи мойли асосдаги шамчалар таркиби**

№	Таркиб 1	Шамчалар	
		№-1	№-10
1	Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстракти	0,04 г	0,4 г
2	Мойли асос	1,5 г	15,0 г
	Умумий масса:	1,54 г	15,4 г

5 -расмда гидрофоб асосли шамчалар олиш жараёнининг технологик схемаси келтирилган.



5-расм. Гидрофоб асосли шамчалар олиш жараёнининг технологик жараёни схемаси

Суппорин-М ва Witepsol H ёрдамчи моддаларида тайёрланган шамчалар сифати фармакопея асоси бўлган какао мойида тайёрланган шамчаларга нисбатан қиёсий баҳоланди. Какао мойи асосидаги шамчалар таркиб 2 асосида жўвалаш усулида тайёрланди (3-жадвал).

3-жадвал

**Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстракти сақловчи какао мойи асосидаги шамчалар таркиби**

№	Таркиб 2	Шамчалар	
		№-1	№-10
1	Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстракти	0,04 г	0,4 г
2	Сувсиз ланолин	0,15 г	1,5 г
3	Какао мойи	1,3 г	13,0 г
Умумий масса:		1,49 г	14,9 г

6-расмда какао мойида шамча олиш жараёнининг технологик чизмаси келтирилган.



6-расм. Какао мойида шамча олиш жараёнининг технологик жараёни чизмаси

Тўқ қизил эхинацея куруқ экстракти асосида тайёрланган шамчаларнинг сифат кўрсаткичлари ўрганилди. Олинган натижаларига кўра какао мойи асосида олинган шамчалар жигарранг тусли торпедосимон шаклда, 0,8 см диаметрли, юзаси бир хил ва тайёр шамча кесимида ҳаво бўшлиқлари бўлмаган, 1,3 г ўртача оғирликда, қаттиқлиги 18 Н га тенг, деформацияланиш вақти 5-6 дақиқа эканини кўрсатди. Суппорин М асосида тайёрланган шамчалар тўқ жигарранг тусли торпедосимон шаклдаги 1,0 см диаметрли, юзаси бир хил ва тайёр шамча кесимида ҳаво бўшлиқлари бўлмаган 1,49 г ўртача оғирликдаги, қаттиқлиги 17 Н га тенг, деформацияланиш вақти 6-7 дақиқани ташкил этди. Witepsol Н асосида олинган шамчалар жигарранг тусли торпедосимон шаклдаги, 0,9 см диаметрли, юзаси бир хил ва тайёр шамча кесимида ҳаво бўшлиқлари бўлмаган, 1,5 г ўртача оғирликдаги, қаттиқлиги 20 Н га тенг, деформацияланиш вақти 6-7 дақиқани ташкил қилди. Шамчалар сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари тўқ қизил эхинацея куруқ экстрактидан тайёрланган шамчалар МХ талабиларига жавоб беришини кўрсатди.

Тўқ қизил эхинацея куруқ экстрактидан тайёрланган шамчаларнинг биосамарадорлигини аниқлашда 2% ли агар-агар гелидан фойдаланилди. Унга 1 % темир (III) хлорид эритмасидан индикатор сифатида қўшилди. Биологик фаол моддаларнинг шамчалардан муҳитга тарқалиш диффузия тезлиги петри косачаларида аниқланди. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

**Тўқ қизил эхинацея куруқ экстрактидан гидрофоб асосларда тайёрланган шамчаларни диффузия тезлигини ўрганиш натижалари (тарқалиши)**

№	Тарқалиш вақти, дақ	Тарқалиш майдони, мм		
		Какао мойи	Суппорин М	Witepsol Н
1	30	1	1	1,1
2	60	1,4	1,6	1,8
3	90	1,9	2,1	2,2
4	120	2,9	3,1	3,3
5	150	4,1	4,3	4,5
6	180	4,3	4,7	4,9
7	210	5,2	5,5	5,9

Жадвал натижалари шуни кўрсатмоқдаки тўқ қизил эхинацея куруқ экстрактидан гидрофоб асослар какао мойи, Суппарин М ва Witepsol Н асосларида тайёрланган шамчалар таркибидаги биологик фаол моддаларнинг муҳитда тарқалиш диффузия тезлиги бир-биридан катта фарқ қилмади. Гидрофоб асосларда тайёрланган шамчалар массасидаги биологик фаол

моддаларнинг сингиш тезлигини юқорида келтирилган усул бўйича колибрланган пробиркаларда аниқланди. Олинган натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

**Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактдан гидрофоб асосларда тайёрланган шамчаларни диффузия тезлигини ўрганиш натижалари (сингиши)**

№	Сингиш вақти, дақ	Сингиш майдони, мм		
		Какао мойи	Суппорин М	Witepsol Н
1	30	1	1	1,1
2	60	1,8	2	2,2
3	90	2,7	2,8	3,0
4	120	4,3	4,4	4,5
5	150	5,8	6	6,3
6	180	6,2	6,5	6,8
7	210	6,5	6,8	7,0

Жадвалда келтирилган натижалар Witepsol Н асосида тайёрланган шамчаларнинг диффузия тезлиги юқорироқ эканлигини кўрсатди.

Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстракти асосида шамча технологияси ишлаб чиқилди. Шамча тайёрлаш учун энг мўътадил асос танлашда бир неча асосларнинг структура механик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари таҳлил этилди ҳамда биосамарадорлиги ўрганилди. Энг мўътадил асос сифатида Witepsol Н танланди.

Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстракти асосида олинган шамчаларнинг сифат кўрсаткичлари ДФ XI талабларига биноан шамчаларнинг ташқи кўриниши, бир хиллиги, шамчаларнинг ўртача массаси ва ундан четланиш, деформация вақтини аниқлаш, шамчаларнинг қаттиқлиги, кислота сони, пероксид сони каби кўрсаткичлари аниқланди.

Witepsol Н асосида тайёрланган шамчалар чинлиги темир (III) гидроксид эритмаси таъсирида яшил рангга бўялиши реакцияси орқали ва спектрофотометрик усулда аниқланди.

Таклиф этилаётган шамчалар микдорий таҳлили ЮССХ усулида олиб борилди. Олинган натижаларни метрологик характеристикаси Стюдент t-мезони асосида математик-статистик қайта ишланди ўртача нисбий хатолик 3% ни ташкил қилиб танланган усул тўғрилигидан далолат берди.

Witepsol Н асосида тайёрланган шамчалар сақланиш муддати табиий эскириш усулида аниқланиб 2 йил деб белгиланди

## ХУЛОСАЛАР

1. Иммуно тизимига таъсир этувчи дори воситаларининг Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестри асосидаги ассортиментини ўрганиш натижаларига кўра иммуномодуловчи воситаларининг асосий қисмини импорт қилинувчи синтетик дори препаратлари ташкил қилишини эътиборга олиб, маҳаллий тўқ қизил эхинацея асосида дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш долзарб эканлиги белгиланди.

2. Тўқ қизил эхинацея асосида қуруқ экстракт олишининг шароитлари ўрганилиб, мўътадил усул сифатида полиэкстракция таклиф этилди ҳамда ушбу экстрактнинг сифат меъёрлари белгиланди.

3. «Тўқ қизил эхинацея қуруқ экстракти субстанцияси» учун «SHARQ DARMON» МЧЖ билан ҳамкорликда тажриба-саноат регламенти ишлаб чиқилди. Қуруқ экстрактнинг иммуномодуловчи фаоллиги ва безарарлиги клиник олди синовлари натижасига кўра исботланди.

4. Бир неча асосларнинг структура-механик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш натижасида тўқ қизил эхинацея қуруқ экстрактини сақлаган шамча учун технология таклиф этилди.

5. Ишлаб чиқилган шамчаларнинг сифат кўрсаткичлари аниқланди, уларнинг биофармацевтик ҳоссаларини ўрганиш натижаларига кўра энг мўътадил асос сифатида Witepsol H таклиф этилди.

6. Witepsol H асосида ишлаб чиқилган шамчаларнинг сифат кўрсаткичлари ДФ XI талабларига биноан аниқланиб, дори шаклининг табиий эскириш усулида текширилган яроқлилиқ муддати 2 йил деб белгиланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЗУПАРОВА ЗУЛФИЯ АХРОР КИЗИ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ СУХОГО ЭКСТРАКТА И  
ЛЕКАРСТВЕННОЙ ФОРМЫ ИЗ НАДЗЕМНОЙ ЧАСТИ  
КУЛЬТИВИРОВАННОЙ ЭХИНАЦЕИ ПУРПУРНОЙ  
(*ECHINACEA PURPUREA L.*)**

**15.00.01 – технология лекарств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2022**

Тема диссертации доктора наук (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PHD/Far.61

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:** Олимов Немат Каюмович  
доктор фармацевтических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Тухтаев Хаким Рахманович  
доктор фармацевтических наук, профессор

Сотимов Гайрат Бахтиёрович  
доктор технических наук

**Ведущая организация:** ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств» при МЗ РУз

Защита диссертации состоится «7» июня 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 35). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «21» июня 2022 года.  
(Реестр протокола рассылки № 35 от «21» июня 2022 года).



**К.С.Ризаев**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.м.н.

**Ё.С.Кариева**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.н.,  
профессор

**Ф.Ф.Урманова**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.ф.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения загрязнение окружающей среды, хронические стрессы, малоподвижный образ жизни приводят к снижению общей сопротивляемости человеческого организма и в результате на сегодняшний день 1/3 населения мира страдает иммунодефицитными состояниями. В связи с этим, для лечения данных заболеваний имеет важное значение проведение исследований по разработке технологии новых лекарственных препаратов на основе лекарственного растительного сырья, внедрением в медицинскую практику лекарственных средств с иммуномодулирующим действием.

Во всём мире ведутся научные исследования по профилактике иммунодефицитных состояний, использованию лекарственных растений в их лечении, созданию лекарственных средств на основе данного сырья. В связи с этим уделяется особое внимание изучению лекарственного растительного сырья, содержащего полисахариды и полифенольные соединения, выделению из их состава биологически активных веществ, разработке на их основе лекарственных средств и оценке качества.

На сегодняшний день в республике в результате реформ в фармацевтической отрасли достигнуты определённые результаты по фармакогностическому и фитохимическому изучению лекарственных растений, разработке высокоэффективных лекарственных средств на их основе, используемых при лечении иммунодефицитных состояний. В 22 ой цели стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы были отмечены важные задачи, такие как «Увеличение объема производства продукции фармацевтической промышленности в 3 раза и доведение уровня обеспечения внутреннего рынка отечественными лекарственными средствами до 80 ти процентов»<sup>1</sup>. В связи с этим проведение исследований по разработке импортозамещающих, экспортно-ориентированных эффективных фитопрепаратов, проведение работ по их стандартизации, внедрению в фармацевтические предприятия имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по ускорению развития фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах», Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-4901 от 26 ноября 2020 года «О мерах по расширению объема научных исследований по выращиванию и переработке лекарственных растений, развитию их семеноводства», ПП-4554 от 30 декабря 2019 года «О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли республики

---

<sup>1</sup> Указ Президента РУз от 28.01.2022 г № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годах»

Узбекистан», ПП-4310 от 6 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

